




МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ – ЁШЛАР НИГОҲИДА

**“2017 йил – Халқ билан мулоқот ва
инсон манфаатлари йили”га
бағишланган иқтидорли талаба-
ёшларнинг
I илмий-амалий конференцияси
материаллари
ТЎПЛАМИ**

2017 йил 20 май

ТОШКЕНТ

DOMESTIC ANIMALS AND TOXOPLASMOSIS <i>D. Omonov, D. Vahidova</i>	228
ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН БАХМАЛ ТУМАНИ ТОҒ ОЛДИ АҲОЛИ ЯШАШ ХУДУДАЛАРИ ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ <i>И. Хазратқулов, А. Раджабов</i>	229
ИПАК ҚҮРТИ БОҚИШ ХОНАЛАРИДА ТОЖ РАЗРЯДЛИ ЭЛЕКТРОИОНИЗАТОР ҚУРИЛ- МАСИНИ ҚЎЛЛАШ ВА АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ <i>Д. И. Абдунабиев, А. Х. Вахидов</i>	232
КОМБИНИРОВАННАЯ ЗАЩИТА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ЭЛЕКТРОПРИВОДОВ <i>Х. Абдураимова, М. Ибрагимов</i>	234
УПРАВЛЯЕМЫЙ ГЕНЕРАТОР ТОКА, РАБОТАЮЩИЙ В ИНЖЕКЦИОНО-ВОЛЬТАИЧЕС- КОМ РЕЖИМЕ <i>К. Джумамуродов, Н. Б. Алимова</i>	236
ТАБИЙ ШАРОИТДА УЧРАЙДИГАН МИКОТОКСИКОЗЛАР ВА УЛАР ТОМОНИДАН ЧАҚИРИЛАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР <i>Х. Б. Орифова, О. Ш. Ғойибов</i>	238
ЭКСТРУДЕРДА ИШЛОВ БЕРИЛГАН КОНЦЕНТРАТЛАР АРАЛАШМАСИДАН ФОЙДАЛАН- ИШНИНГ БЎҒОЗ СИГИРЛАР РЕПРОДУКТИВ ХУСУСИЯТИГА ТАЪСИРИ <i>Д. Н. Караматов, Ғ. Б. Амантурдиев</i>	239
ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА ОЗИҚА ТОКСИКОЗЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ <i>Д. Караматов, М. М. Сафаров</i>	241
АСАЛАРИЛАР ЁРДАМИДА ЎСИМЛИКЛАРНИ ЧАНГЛАТИШНИНГ АҲАМИЯТИ <i>С. Х. Абдуллаев, Т. Ш. Акмалхонов</i>	243
ҚОРА - ОЛА ЗОТИ БЎЙИЧА ВА ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАР ЕЛИНИНИНГ МОРФО- ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ <i>А. Холжигитов, А. Эсанов</i>	244
МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЎЛГАН ТОВУҚЛАРНИ ЕТИШ- ТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ <i>З. Тўлаганова, А. Эсанов</i>	246
БУЗОҚЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ УСУЛДА ШОХСИЗЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ <i>Ж. З. Расулов, Б. Ф. Ўлмасов</i>	248
ИТЛАРДА КЕСАРЕВ КЕСИМИ ЎТКАЗИШДА ЧОКЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ <i>А. А. Абдужабборов, Б. Ф. Ўлмасов</i>	250
ЧОРВАЧИЛИКДА ПРОБИОТИКЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ <i>А. А. Юсулбаев, Ғ. А. Менглиев</i>	252
ҚЎЗИЛАРДА ЦЕНУРОЗНИ ЖАРРОХЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ <i>О. У. Тешаев, Б. Ф. Ўлмасов</i>	253
АКТИНОМИКОЗНИ ТАРҚАЛИШИ ВА УНИ ЖАРРОХЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ <i>А. Ш. Маматқулов, Б. Ф. Ўлмасов</i>	255
TUT JIREK QURTININ' JAN'A LINIYA 27 HA'M LINIYA 28 TIZIMLERI SELEKTSION BELGI- LERININ' TANLAW NA'TIYJELILIGI <i>S. R. Oserbaeva, B. U. Nasirillaev</i>	257
ГЕНЕТИЧЕСКИЕ РЕСУРСЫ КОЛЛЕКЦИИ ПОРОД ТУТОВОГО ШЕЛКОПРЯДА УЗБЕКИСТАНА <i>А. Х. Рўзиев, У. Т. Данияров</i>	258
УЛЬТРАТОВУШ ТАШХИСИ ЁРДАМИДА БЎҒОЗЛИКНИ ЭРТА АНИҚЛАШ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ <i>А. Б. Собиров, Б. Ф. Ўлмасов</i>	260
СУНИЙ УСУЛДА ОНА АСАЛАРИ ЕТИШТИРИШДА АСАЛАРИ ҚҮРТЧАЛАРИНИНГ ЁШИГА ҚАРАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА ҲАР ҚИЛ УСУЛДА ПАЙВАНДЛАШНИ ОНА АСАЛАРИ ВАЗНИГА ТАЪСИРИ <i>С. Х. Абдуллаев, Т. Ш. Акмалхонов</i>	261
ЎЗБЕКИСТОНДА БОҚИЛАДИГАН ҚУЁН ЗОТЛАРИ <i>А. А. Юсулбаев, Ш. К. Маматимин</i>	264
ҚУЁНЛАР ЭЙМЕРИОЗИ (КОКЦИДИОЗ) ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ <i>А. А. Юсулбаев, Ш. К. Маматимин</i>	272
РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ <i>У. Б. Ахмедов, С. А. Юнусов</i>	274
УЛЬТРАТОВУШ ТАШХИСИ ЁРДАМИДА БЎҒОЗЛИКНИ ЭРТА АНИҚЛАШ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ. <i>А. Б. Собиров, Б. Ф. Ўлмасов</i>	275

махсус (ректал) қўлкоп кийилади. Унинг усти махсус совунсимон суюклик суртилади. Шундан сўнг текширувчи ўнг қўли орқали дум қисмини кўтариб, чап ўнг томонга тортиб турилади. Чап қўлини эса орқа йўғон ичак орқали киргизиб, ундаги ахлати тозалаб ташланади. Сўнгра ускунани махсус учи қисми киргизилади ва бачадон устига йўналтирилади ва эътиборни ускуна экранига қаратилади. Унда кўрсатилаётган тасвирлар орқали хомиладорликни ва бошқа ҳолатларга ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Биз ўз тадқиқотларимизни Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган “Шерозий” фермер хўжалигида ўтказдик. У ерда бокилаётган 90 бош сигир ва ғунажинларни бўғозлигини эрта аниқлаш бўйича ультратовуш ташхисини ўтказдик. Текширув натижаларига кўра улардан 35 тасини яъни 38,9 % бўғоз эканлиги, қолган 55 тасини яъни 61,1 % бўғоз эмаслиги аниқланди. Хўжаликдаги бўғоз бўлмаган сигир ва ғунажинларни жинсий циклини издан чиққанлиги ҳамда бир қанча гинекологик касалликлар билан касалланганлиги аниқланди. Бу каби ҳолатларга етарлича эътибор бериб уларни даволаш ва қайтадан уруғлантирилишга кўрсатма бердик. Шу сабабли ҳозирги кунда илм фан ва техника тараккиётининг ривожланиши орқали бундай камчилик, муаммолар ўз ечимини топомокда.

Бундай олиб бораётган илмий ва амалий ишларимизга фермер раҳбари томонидан ўз миннатдорчилигини билдирди. Шу билан бирга бундай олиб борилаётган ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш таклифларини бериб ўтишди.

Албатта, бу каби илмий изланиш ва замонавий техник текширув ускуналаридан фойдаланиб ишлаш юртимиз чорвачилигини ва ветеринария тиббиётини янада ривожлантириб уни гуллаб яшнашида ўз ҳиссамизни қўшган бўлардик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Жабборов, Ф.Мажидов, С.Аминов Ветеринария акушерлиги гинекологияси ва сунъий урчитишдан амалий машғулотлар 1997
2. А.П.Студенцов ветеринарной акушерство и гинекология изд. Колос Москва 1970
3. И.И.Родин, Б.Б.Тарасов, И.Я.Якимчук практикум по акушерству гинекологии и искусственному осеменению сельскохозяйственных животных. Москва Колос 1979
4. Зооветеринария 2017 йил 1-сон
5. Ф.Х.Маджидов. Семенниково мешок у каракуль скх баранов. Москва 1987

СУНИЙ УСУЛДА ОНА АСАЛАРИ ЕТИШТИРИШДА АСАЛАРИ ҚУРТЧАЛАРИНИНГ ЁШИГА ҚАРАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА ҲАР ХИЛ УСУЛДА ПАЙВАНДЛАШНИ ОНА АСАЛАРИ ВАЗНИГА ТАЪСИРИ

Магистрант : С.Х.Абдуллаев (ТДАУ)
Илмий раҳбар: Т.Ш.Акматалиев (ТДАУ)

Кириш: ҳозирги кунда Республикамизга зотли она асаларилар четдан келтирилмоқда. Бу зотларни маҳаллий иқлим шароитга мослаштириш уларнинг генетик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, кассаликларга чидамлилигини ошириш ва парваришлашни тўғри ташкил қилиш долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон иссиқ иқлим шароити қулай бўлганлиги сабабли 7-9 ой она асалари етиштириш имконияти мавжуд.

Услублар ва материаллар: сунъий усулда она асалари етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, асаларичиликда карпат зотиға мансуб асалариларни кўпайтириш, танлаш, селекция ва насилчилик ишларини йўлга қўйиш.

Тадқиқот 2016 йилларда Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги ТошДАУ Ўқув тажриба хўжалигида олиб борилди. Тадқиқот даврида бир хиллик асосида тажриба ва назорат гуруҳлари ташкил этилди. (10тадан)

Тадқиқот натижалари: асаларичиликда бонитировка қилиш даврида, биринчидан асалари оиласини баҳолаш яъни оила сифатига, унинг маҳсулдорлигига баҳо берилса, иккинчидан, оиладаги она асаларини баҳолаш ҳисобланади, бунда она асаларининг тухум қўйиш қобиляти ҳисобга олиниб, унга тегишли баҳо берилади. 1-жадвалда ТошДАУ кичик ўқув тажриба хўжалигида урчитилаётган натижалари карпат зотиға мансуб асалариларида ўтказилган бонитировка натижалари берилган

1-жадвал

ТДАУ асаларизорида ўтказилган бонитировка натижалари

№	Қиш-ловга чидам-лилиги	Бахорги ривожла-ниши	Кўчга мойил-лиги	Тинчлик-севар-лиги	Она асалари-нинг серпушт-лиги	Махсул-дорлиги	Насл баҳоси	Умумий балл
Тажриба гуруҳи	4,2	5,0	2,8	4,1	5,4	5,3	4,7	31,5
Нazorat гуруҳи	4,2	5,0	2,7	4,1	5,5	5,4	4,7	31,6

1-жадвал маълумотларидан кўриништи ТДАУ хўжалигидаги асаларизорида ўтказилган бонитировка натижалари назорат ва тажриба гуруҳларида деярли бир хил тажриба гуруҳидаги “карпат” зотидаги асалариларда 31,5 умумий баллни ташкил этапти, назорат гуруҳида эса 31,6 умумий баллни она асаларининг серпуштлиги кўрсаткичига тажриба гуруҳида 5,4 балл, назорат гуруҳида эса 5,5 балл ва наслий баҳолашда эса тажриба ва назорат гуруҳлари бир хил 4,7 баллни ташкил қилапти. Бу ҳар иккала кўрсаткичлар хўжаликни наслчилик тоифасига ўтказишда қатта аҳамиятга эга бўладиган асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Она асаларининг кунлик тухум қўйиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Она асаларининг кунлик тухум қўйиши ва оилани ривожланиши

Тадқиқот ўтказилган вақт	Тухум қўйиши (дона ҳисобида)	
	$X \pm S_x$	Cv %
16.03.2016	628 $\pm$ 9,1	3,91
30.03.2016	856 $\pm$ 62,4	4,56
13.04.2016	1072 $\pm$ 56,3	6,07
24.04.2016	1314 $\pm$ 23,3	4,72
08.05.2016	1656 $\pm$ 64,4	4,53
15.05.2016	1832 $\pm$ 34,8	4,37

2-жадвал маълумотларидан кўринаяптики, карпат зотидаги она асалариларнинг кунлик тухум қўйиш даражаси мавсум давомида бир меъёрга ортиб борган. Дастлаб март ойида, унинг кунлик тухум қўйиши 628 донани ташкил этган бўлса, апрель ойида у 1072-1314 донани ташкил этиб, май ойининг охирида эса бу кўрсаткич 1832 донани ташкил этган. Бу эса энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Республикада кўпчилик асаларичилар сунъий усулда она асалари етиштиришда мум қосачаларида личинкаларни ёпиштириш мақсадида асал ва асалари сутидан фойдаланадилар. Шуларни ҳисобга олиб карпат зотига мансуб асалари оилаларидан сунъий усулда она асалари етиштиришда икки хил йўлдан илмий тажрибаларда фойдаланилди. Бунинг учун оналик оилаларидан олинган бир кунлик личинкалар ёшини аниқлаш мақсадида ганиман панжарасидан фойдаланилди. Ганиман панжараси ичида тоза асалари роми солиниб, унга она асалари қўйиб юборилди ва ромкада берилган вақт (соат. кун) ёзиб қўйилди. Ана шу усулда бир кунлик қўйилган тухум вақти ҳатосиз аниқланади.

Тажриба ўтказиш даврида личинкаларнинг бир кунлик даври аниқланиб олинди. Бунинг учун 1-12 соатлик ва 12-24 соатлик ёшдаги личинкалар танлаб олинди, тажриба натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Она асалари етиштиришда қуртчаларнинг ёшига қараб қабул қилиниши

Қуртчаларнинг кучирилган вақти (соат)	Асалга пайванд қилинган қуртчаларнинг қабул қилиш даражаси			Асалари сутига пайванд қилинган қуртчаларнинг қабул қилиш даражаси		
	Берилган қуртчалар сони	Қабул қилинган қуртчалар Сони	%	Берилган қуртчалар сони	Қабул қилинган қуртчалар Сони	%
I-гуруҳ 10 апрелда пайванд қилинди.						
1-12	84	66	78,6	36	32	88,9
12-24	54	40	74	32	24	75
II-гуруҳ 20- апрелда пайванд қилинди.						
1-12	57	43	75,4	27	23	85,2
12-24	32	23	71,8	22	16	72,7

Тарбияловчи асалари оилаларида асалга пайванд қилинган 1-12 соатлик қуртчаларнинг 84 тасидан 66 таси қабул қилинган, бу эса 78,6 % ни ва 12-24 соатликларида эса 74 % ни ташкил этди. Асалари сутига пайванд қилинганларда эса бу кўрсаткич 88,9 ва 75 % ни ташкил этди.

2016 йил 20- апрелда пайванд қилинган тарбияловчи оилаларда асалари сутига пайванд қилинганларнинг 1-12 соатлик қуртчаларида 85,2 % ни ва 12-24 соатлик ёшга эга бўлганларда 72,7 % ни ташкил

этди. Асалга пайванд килинган 1-12 соатлик кurtчаларнинг 57 тасидан 43 таси қабул килинган, бу эса 75,4 % ни ва 12-24 соатликлариди эса 71,8 % ни ташкил этди. Асалари сутига пайванд килинганларда эса бу кўрсаткич 85,2 ва 72,7 % ни ташкил этди.

Шуни қайд қилиш керакки 10 апрелда пайванд килинган оилаларнинг кўрсаткичлари 20 апрелда пайванд килинганларга нисбатан юқори бўлди, яъни асалга пайванд килинган 1-12 соатлик кurtчалар 2,6 % ва 12-24 соатликлариди эса 3,0 % ни ташкил этди. Асалари сутига пайванд килинганларда эса бу кўрсаткич 2,8 ва 2,8 % ни ташкил этди.

Маълумки, она асалари етиштиришда кurtчаларни мум қосачаларига пайвандлаш учун олиб ўтказилганда кurtча организмга бошқача таъсир этувчи хусусиятга эга бўлган мухитга тушади. Бу эса она асалари етиштиришда онадонлар қуриш хусусиятига ва она асалари сифатига маълум микдорда таъсир этади. Шу мақсадда асаларилар кurtчаларидан сунъий равишда иссиқ иқлим шароитида ёз фаслида она асалари етиштириш устида тажрибалар олиб борилди.

Асалари сутини олиш мақсадида кurtчалари 22,5 кунлик бўлган уядаги онадонлардан олинди. Она асалари етиштиришда ҳар хил озуқа ва кurtчаларнинг ёшига қараб етиштирилган она асалариларнинг вазнига таъсирини ҳам алоҳида ўрганилди.

10-апрелда асалари сутига пайванд килинган 1-12 соатлик ёшга эга бўлган кurtчалардан етиштирилган она асалариларнинг тирик вазни 191,5 мгни ташкил этган бўлса, 12-24 соатлик ёшга эга бўлганларда эса бу кўрсаткич 182,2 мгни ташкил этди. Бу эса асалга пайванд қилган кurtчалардан етиштирилган она асаларилар вазнидан 11,7-12,3 мгга кўпдир (жадвал 4).

20-апрелда асалари сутига пайванд килинган 1-12 соатлик ёшга эга бўлган кurtчалардан етиштирилган она асалариларнинг тирик вазни 177,1 мгни ташкил этган бўлса, 12-24 соатлик ёшга эга бўлганларда эса бу кўрсаткич 173,1 мгни ташкил этди. Бу эса асалга пайванд қилган кurtчалардан етиштирилган она асаларилар вазнидан 14-14,5 мгга кўпдир.

4-жадвал

Асалари кurtчаларини ҳар хил усулда пайвандлашни она асалари вазнига таъсири (мг)

Пайвандлаш усули	Кurtча ёши (соат)	П	Limit, мг	Ўртача вазни, мг
I-гурух 10-апрелда пайванд қилинди.				
Асалга пайванд килинган	1-12	10	172,2-189,5	180,8
	12-24	10	173,4-187,2	180,3
Асалари сутига пайванд килинган	1-12	10	180,6-203,3	191,5
	12-24	10	177,3-187,2	182,2
II-гурух 20-апрелда пайванд қилинди.				
Асалга пайванд килинган	1-12	10	162,3-182,1	172,2
	12-24	10	157,3-177,0	167,1
Асалари сутига пайванд килинган	1-12	10	172-182,2	177,1
	12-24	10	170,2-176,1	173,1

Тажриба ўтказиш даврида кurtчаларнинг бир кунлик даври аниқланиб олинди. Бунинг учун 1-12 соатлик ва 12-24 соатлик ёшдаги кurtчалар танлаб олинди, тажриба натижалари № 5 жадвалда келтирилган.

5-жадвал кўрсаткичларидан маълумки, она асалари етиштиришда асалга пайванд килинган кurtчаларни қабул қилиш даражаси асалари сутига пайванд килинганларга нисбатан анча фарқ қилади. Бу кўрсаткич сутда пайванд килинганларнинг 1-12 соатлик кurtчаларда 89,2 %-ни ва 12-24 соатлик ёшга эга бўлганларда 78,5 %-ни ташкил этди.

5-жадвал

Она асалари етиштиришда кurtчаларнинг ёшига қараб қабул қилиниши

Кurtчаларни олиш вакти (соат)	Асалга пайванд килинган кurtчаларнинг қабул қилиш даражаси			Асалари сутига пайванд килинган кurtчаларнинг қабул қилиш даражаси		
	кurtча берилди	кurtча қабул қилинди	%	кurtча берилди	кurtча қабул қилинди	%
1-12	106	88	83,0	30	27	90
12-24	62	47	75,8	30	24	80

Тарбияловчи асалари оилалари асалга пайванд қилинган 1-12 соатлик қуртчаларнинг 106 тасидан 88 таси қабул қилинган, бу эса 83,0 % ни ва 12-24 соатликларда эса 75,8 % ни ташкил этган. Асалари сутига пайванд қилинганларда эса бу кўрсаткич 90 ва 80 % ни ташкил этди.

Она асалари етиштиришда ҳар хил озуқа ва қуртчаларнинг ёшига қараб етиштирилган она асалариларнинг вазнига таъсирини ҳам алоҳида ўрганилди. Жумладан, асалари сутига пайванд қилинган 1-12 соатлик ёшга эга бўлган қуртчалардан етиштирилган она асалариларнинг вазни 191,5 мг ни ташкил этган бўлса, 12-24 соатлик ёшга эга бўлганларда эса бу кўрсаткич 182,2 мг ни ташкил этди. Бу эса асалга пайванд қилган қуртчалардан етиштирилган она асаларилар вазнидан 12,3 ва 11,7 мг га кўпдир (6-жадвал).

6-жадвал

Асалари қуртчаларини ҳар хил усулда пайвандлашни она асалари вазнига таъсири (мг)				
Пайвандлаш усули	Қуртча ёши (соат)	П	Limit, мг	Ўртача вазни, мг
Асалга пайванд қилинган	1-12	10	172,2-189,5	180,8
	12-24	10	173,4-187,2	180,3
Асалари сутига пайванд қилинган	1-12	10	180,6-203,3	191,5
	12-24	10	177,3-187,2	182,2

Она асалари етиштиришда асалга пайванд қилинган асалари қуртчаларининг 1-12 соатлик (180,8 мг) ва 12-24 соатлик ёшдагиларга (180,3 мг) эга бўлган она асаларилар вазнига нисбатан деярли фарк бўлмади.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар: олинган натижалардан кўриниб турибдики, ҳар хил усулда пайванд қилинган қуртчалардан етиштирилган она асаларилар вазнида она сутига пайванд қилинган юқори вазнга эга бу эса уларнинг ўсиш ва ривожланиши, тирик вазни, серпуштлиги, ҳаётчанлиги, оилаларининг маҳсулдорлиги юқори бўлишида катта аҳамият касб этди. Асалари оиласининг маҳсулдорлигини оширишда ва она ари сифатини яхшилашда асалари сутига пайванд қилинган қуртчалардан олинган онарилардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.И.Исамухамедов, Х.К. Никадамбаев “Асаларичиликни ривожлантириш асослари”. “Шарк” Тошкент, 2013 йил.
2. О.Б.Бондарева “Настольная книга пчеловода” М.АСТ: Астрель, 2007.
3. Т.Ш.Акматалиев “Асаларичилик”. “ТошДАУ” Тошкент, 2000 йил.
4. Ўрманов Ш.Ш. Тўраев О.С. Тошкент вилояти шароитида сунъий усулда она асалари етиштириш натижалари. “Республикада чорвачиликни ривожлантириш ва соҳада озуқа базасини мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент 2011, 22-24 бетлар.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОҚИЛАДИГАН ҚУЁН ЗОТЛАРИ

Талаба: А.А.Юсубхамедов (ТДАУ)

Илмий раҳбар: Ш.К.Маматишинов (ТДАУ)

Маҳсулот етиштирилишига кўра қуёнлар серпушт, гўшт ва мўйна етиштириладиган зотларга бўлинади. Бундан ташқари мўйнасининг ўсиқлигига кўра ўртача узун ва калта тивитли грухларга ажралади. Ҳозирги вақтда 60 дан ортиқ қуён зотлари боқилади.



1-расм. Ёввойи қуён.

Хонаки қуёнлар— табиатда узок эволюцион тарихий жараёнларда ёввойи қуёнларни хонакилаштириш натижасида келиб чиққан. Ёввойи қуёнлар ер қуррасининг ўрта ер денгизи қирғоқларида пайдо бўлган. Инсон қарийиб 2000 йиллар илгари уларни қўлга ўргатиб хонакилаштирган уларни маҳсулдорлигини, хўжалик ва фойдали хусусиятларини яхшилаш борасида ташки ва ички омиллар таъсирини сингдириб келган. Хонаки қуёнлар зоологик классификация бўйича кемирувчилар туркумига, товушконлар оиласига, қуёнлар турига